



МАМЛАКАТ КАПИТАЛ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИДА ВЕНЧУР БИЗНЕСИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Расулов Шавкат Шароф ўғли

ЖизПИ, Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти в.б.

Примкулова Зарина Фурқат қизи

Жиззах политехника институти талабаси

Аннотация:

Мазкур мақолада технологик стартаплар учун венчур капиталини жалб қилишнинг самарали стратегиялари батафсил таҳлил қилинган. Стартапларнинг ривожланишида молиявий ёрдамни жалб қилиш, бозор салоҳиятини баҳолаш ва ишончли бизнес-режа яратиш каби муҳим жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: венчур капитал, технологик стартаплар, инвестиция стратегиялари, бозор таҳлили, Ўзбекистондаги имкониятлар, таваккалчиликларни камайтириш, инновацион тадбиркорлик, молиявий қўллаб-қувватлаш, бозор салоҳияти, бизнес-режа.

WAYS TO INTRODUCE VENTURE BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S CAPITAL MARKET

Annotation:

This article analyzes in detail the effective strategies for attracting venture capital for technological startups. Important aspects of startup development are highlighted, such as attracting financial support, assessing market potential and creating a reliable business plan.

Keywords: venture capital, technological startups, investment strategies, market analysis, opportunities in Uzbekistan, risk reduction, innovation entrepreneurship, financial support, market potential, business plan.



Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш йўлида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар ичида айниқса, инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмларининг яқуний тизими йўқлиги бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардандир. Давлат бюджети маблағлари чекланганлиги, Республикада махсус инновацион жамғармалар камлиги ва хусусий сектор инновация фаолиятини молиялаштиришда деярли қатнашмаслиги венчурли молиялаштириш технологиясини қўллашни тақозо этади. Шу боис, мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичида инновацияларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, тегишли чора-тадбирларни амалга оширилиши инновацион иқтисодиётни ривожланишига, пировардида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг имкониятларни яратиш ва ички бозорнинг монополлашувига йўл қўймаслик, давлат хусусий шерикчилигини такомиллаштириш, кичик инновацион компанияларни қўллаб-қувватлаш, венчур корхоналар ва жамғармалар, «бизнес фаришталар» – молиявий ва бошқа ресурсларни инновацион лойиҳаларга сарфловчи хусусий инвесторлар фаолияти ва «стартап» лар учун қулай шарт-шароитни яратиш йўналишларини аниқлаш зарур. Зеро, фақат молиялаштиришнинг такомиллашган тизими асосида инновацион фаолият ривожланади.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018-йилга мўлжалланган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида венчур молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб тадбиркорлик ва инновацион соҳадаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш учун венчур фондларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни ташкил этиш тартиби, венчур компаниялар ва фондлар, венчур фондларни бошқариш билан шуғулланувчи компаниялар ҳамда инновацион корхоналар фаолиятини тартибга солиш, венчур компаниялар ва фондлар учун малакали бошқарув ва эксперт кадрларни тайёрлаш, венчур лойиҳаларни суғурталаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларни ишлаб чиқиш



белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидандир.

Инновацион тадқиқотларни венчур молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари ва қатор афзалликлари қуйидагилар билан изоҳланади:

инновация лойиҳасининг дастлабки босқичидан бошлаб ноаниқлик ва риск даражасининг юқорилиги;

венчур капитали эгалари фоиз ва таъминот шартларини қўймайдилар ва узоқ муддатга тўғридан-тўғри акциядорлик капиталига сармоялар киритадилар; сармоялар юқори илмий технологик лойиҳаларга киритилиши ва даромадлигига қараб тармоқлараро тақсимланиши;

венчур инвесторлар фақат маблағ ажратиш билан чегараланиб қолмайдилар, улар корхона бошқарувида фаол қатнашиб ўз тажрибалари, малакалари, бизнес ҳамкорлари билан ёрдам бериб, кераклича имкониятлар яратиб, венчур кичик корхонасига «илм – ишлаб чиқариш» жараёнидаги барча шароитлар яратиб беради.

Венчурли бизнеснинг самарадорлигини ошириш учун кейинги йилларда саноати ривожланган мамлакатларда хатарли инвестицияларни ҳар томонлама ривожланиши кузатилмоқда ва венчурли компанияларнинг ташкилий тузилмаси ўзгариб, мураккаблашиб бормоқда. Анъанавий бўлиб қолган шакллар билан бир қаторда янгилари пайдо бўлмоқда. Инновацион тараққиётда рақамли секторнинг улуши ошиб бормоқда. Айниқса бу соҳадаги Хитойнинг тажрибасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Хитойнинг учта рақамли гигантлари Бауду, Алибаба, Тансет ва Хиаоми жаҳонда рақамли инновацияларда глобал лидер бўлмоқдалар. Улар рақамли товар ва хизматларни экспорт қилишда жаҳонда етакчилик қилмоқдалар.

Венчур капитали - бу юқори таваккалчиликка асосланган лойиҳаларга киритилган инвестициялардан фойда олишга имкон берувчи молиявий восита ҳисобланади. Корхоналар учун бу каби молиялаштириш – бозорга чиқиш,



рақобат муҳитида омон қолиш ва ўзининг кўп миллионли салоҳиятини амалга оширишнинг қарийб ягона усулидир.

Венчур капиталнинг асосий қондаси барча учун бир хил: инвестор ёки фонд, сармоясининг аксар қисми муваффақиятсизликка учрашини тушунган ҳолда, таваккалчиликни ўнлаб истиқболли лойиҳалар ўртасида тақсимлайди. Аммо муваффақиятга эришган лойиҳалар нафақат зарарларни ортиғи билан қоплайди, балки инвесторга у бошланғич сарфлаган сармояларнинг миқдорига нисбатан ўн баравар ва ундан кўп фойда олиб келиши мумкин. Бироқ бунда инвестициялар ҳажми, компанияларни баҳолаш ва афзаллик берилган босқичлар ҳудудларга қараб жуда катта фарқ қилиши мумкин. Турли мамлакатларда қандай инвестиция қилинишини тушуниш учун маҳаллий венчур муҳитига “ташқаридан” нигоҳ ташлаш зарур бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда венчур бизнесининг асосий муаммоси – кўплаб ишланмалар мавжудлиги, аммо уларнинг товарларга айланмаслиги ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби бўлиб, мамлакатда лойиҳаларни тижоратлаштириш учун бюджетдан ташқари молиялаштиришни жалб қилишга имкон берадиган механизмларнинг йўқлиги ҳисобланади. Оддий қилиб айтганда, мамлакатда венчур инвесторларнинг алоҳида синфи мавжуд эмас.

Ўзбекистонда тўлақонли венчур тадбиркорлигининг шаклланиши йўлида куйидаги тўсиқлар енгиб ўтилмаган:

- меъёрий-ҳукукий базанинг тайёр эмаслиги, яқин вақтларгача венчур саноати хусусий ва оммавий хорижий капиталга асосланганлиги ва инвестицион истиқбол стратегик инвесторга йўналтирилган тегишли “йўллардан” келиб чиққан ҳолда шаклланганлиги билан белгиланокда;
- давлат томонидан инновацион фаолиятнинг етарлича қўллабқувватланмаслиги, фонд бозорининг ривожланмаганлиги;
- венчур капиталининг инновация бизнесидан “чиқиши” амалларининг етарлича ишланмаганлиги;
- фан, ишлаб чиқариш ва бизнес ўртасида интеграциянинг йўқлиги;
- таваккалларнинг юқори даражаси (хаттоки венчур бизнеси учун);
- тадбиркорлик маданиятининг пастлиги.



Ҳали-ханузгача венчур саноатининг ривожланиш модели қандай бўлиши лозимлиги ҳақида аниқ тасаввур шаклланмаган ва бу ҳақида қуйидаги ҳал қилинмаган муаммолар гувоҳлик беради: инвестицион циклнинг яқунланмаганлиги, инвесторлар ишончли, ишлаб турган лойиҳалар билан ишлашни маъқул кўради, чунки фақат кам сонли венчур лойиҳаларигина тузилган компанияларнинг сотилиши билан яқунланади;

Ўзбекистонда венчур бозори ривожланиши йўлида асосий тўсиқлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- битимларни ёпиш тезлигининг пастлиги;
- лойиҳаларни яқунлаш ва инвесторни лойиҳадан чиқиш муддатларининг узоқлиги;
- компанияларни баҳолашда қийматини камайтириб кўрсатиш ҳолатлари;
- қонунчиликдаги камчиликлар;
- ИТТКИ бюджетининг камлиги;
- йирик тадбиркорлардан кичик лойиҳалар ва инновацион стартапларга талабнинг йўқлиги;

Сиёсий таваккалчиликлар венчур тадбиркорлигининг беқарор ишбилармонлик муҳитини, биринчи навбатда, инновацион жараённинг илк босқичида ривожланишига тўсқинлик қилувчи зарур маблағларни тўплай олиш таваккаллари шакллантиради.

Буларнинг барчаси венчур тадбиркорлиги фаолиятини тартибга солиши лозим бўлган қонунчилик базасининг йўқлиги билан бирга кечмоқда.

Аммо асосий таваккалчилик – бу асосий янгиликларни ўзининг хусусияти билан белгиланган инновацион таваккалдир. Бу асосан тадқиқотчилик ва маркетинг таваккаллари ҳисобланади.

Венчур саноати ривожланган ва юқори таваккалли инвестициялар фойдаланиладиган хорижий мамлакатларнинг тажрибасини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон иқтисодиётида аста-секин венчур инвестициялашнинг миллий тизими шаклланиши учун шароитлар яратилмоқда.

Яратилаётган венчур тизими ташкилий-функционал элементларнинг умумий тўплами, уларнинг ўзаро ҳаракати ва ўзаро боғлиқлигини белгиловчи турли институтлар, ташкилий тузилмалар ва кўплаб ўзаро боғланган инновацион,



инвестицион, технологик, ахборот ва бошқа жараёнларнинг умумийлиги ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли Қарори
3. Gaybullayevna, R. S. ., & Musurmangulov. (2024). THE IMPORTANCE OF TIME MANAGEMENT IN ENSURING EFFICIENCY IN CONSTRUCTION. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 3(1), 28–31.
4. Gaybullayevna, R. S. (2023). THE STATE OF THE DIGITAL ECONOMY TODAY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(12), 38-42.
5. Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). PRINCIPLES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT IN MANAGEMENT. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1097-1100.
6. Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1093-1096.
7. Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1088-1092.
8. Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(20), 200-203.



9. Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 77-83.
10. Gaybullayevna, R. S. (2023). WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF INCREASE IN OUR COUNTRY'S ECONOMIC WELFARE AND SOCIAL DEVELOPMENT. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 73-76.
11. Gaybullayevna, R. S. (2023). MODERN FUNDAMENTALS OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 51-54.
12. Gaybullaevna, R. S. (2023). Methods for Assessing the Economic Efficiency of Investments in Construction. European Journal of Higher Education and Academic Advancement, 1(1), 95-98.